

1930 йил  
12 майдан  
чиқа  
бошлаган



Қонуичилик ва ҳукуқ-тартибот учун!

# ИДСИНГА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ НАШРИ

№ 47 (3419)

2001 йил 22 ноябрь, пайшанба

Сотувда эркин нархда

## Бош муҳаррир минбари ЎЗАРО ҲАМФИКРЛИК ВА ТОТУВЛИК ШАРОИТИДА ЯШАЙЛИК

Ўзбекистонликлар Президентимиз Ислом Каримовнинг хорижга килаётган ҳар бир ташрифи мамлакатимизнинг халқаро обрўсини яна-да юкори кўтараётгани, икки томонлама ўзаро манфаатли ҳамкорликда янада ёрқин истиқболлар очаётганига кўниб қилиши. Бунинг на-тижасида юртбошимиз мавжуд муаммоларни тўғри ҳал этиш йўлларни кўрсатиб беряпти.

Шу боис ҳам 16–17 ноябрь кунлари икки қардош – Ўзбекистон ва Қозогистон давлатлари халқлари Президентимиз Ислом Каримовнинг Қозогистонга расмий ташрифини катта эътибор билан кузатишгани бе-жиз эмас.

Ушбу ташрифдан кутилган мақсад ҳақида сўз юритишдан аввал шуни таъкидлаш жоизки, дипломатия муносабатлари ўрнатилган кундан бўён ўтган деярли ўн йил вақт ичидаги мамлакатларимиз ўртасида икки томонлама алоқаларнинг асоси ва ҳукуқий негизи бўйли қолган бир қанча битимлар имзоланди. Боз устига давлатларимиз минтақага оид та-лайгина масалалар бўйича фаол ҳамфирк бўлмоқда. Ҳусусан, Ўзбеки-стон ва Қозогистон ташаббуси билан минтақа давлатларини иктисодий интеграциялаш мақсадиди Марказий Осиё иктиносий ҳамжамияти ту-зилди. Унинг асосий вазифаси сийсий, савдо-иктиносий, ижтимоий ва бошқа муаммоларни ҳал этишда ҳамкорликни ривожлантиришдан иб-орат. Иктиносий стратегиянинг дастурий йўналишлари, навбатдан таш-кари иктиносий чоралар дастурининг қабул қилинини, шунингдек, ягона иктиносий маконни вужудга келтириш, минтақадаги сув ресурслари-дан ҳамкорликда фойдаланиш муаммоларни, экология масалалари му-хокама қилингани ушбу ҳамкорликнинг натижасидир.

Мамлакатлар Ўзбекистон ва Қозогистоннинг мавжуд иктиносий им-кониятларини эътиборга олган ҳолда савдо-иктиносий ҳамкорликни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қартишишмоқда. Давлатларимиз раҳбарлари, ҳукуматлар делегацияларининг ўзаро ташрифлари, шунингдек, Ўзбекистон-Қозогистон кўшма ҳукуматлараро комиссияси-нинг фаолияти давлатларимиз ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг ма-кул йўлларини излаб топишга интилаётганини намойиш этди.

Мамлакатларимиз халқлари ана шулар ва бошқа илгор ғояларни эътиборга олиб, Ўзбекистон раҳбарининг Қозогистоннинг навбатдаги таш-рифи икки томонлама муносабатлар янада ривожланишига туртки бўли-ши, уни сифат жиҳатдан юкори даражага кўтаришига ишонган эдилар.

Ташриф давомида имзоланган ҳужжатлар мамлакатларимиз ўт-та-сига ҳамфирклика замонавий тус берди, алоқаларни замон талаб-лари, халқаро муносабатлар мезонлари асосида услуби ва мазмунини уйғунаштириди.

Мазкур ҳужжатлар орасида Ўзбекистон-Қозогистон давлат чегараси тўғрисидаги Битим ҳам мавжуд бўлиб, у ҳозирги босқичда икки му-стаскил мамлакат ўртасидаги ўзаро муносабатларни ривожлантиришда янада кенг имкониятларни очиб берди.

Президентлар Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоевлар учрашув чоғида шунингдек, ҳавфсизлик соҳасидаги икки томонлама ҳамкорлик масалаларини муҳокама килдилар. Таъкидлананди, ушбу шериклик икки ва кўп томонлама асосда қабул қилинган кўпгина ҳужжатлардан ибо-рат мустахкам ҳукуқий негизга эгаиди.

Икки мамлакат етакчилари Америка Кўшма Штатларида рўй берган террорчилар ҳаракатларида кейинги ўзғаришлар, Афғонистондаги во-кеалар ҳавфсизлик масалаларига янгича ёндошувни талаб этाडтани-ни таъкидлашди. Шу ўринда президентларнинг мазкур мамлакатдаги во-кеаларга муносабати, антитеррористик операцияга нисбатан нуқтани-назари тўлиқ мос тушганлигини таъкидлаш жоиз. Боз устига, халқаро террорчилар қарши кураш йўллари бир хил баҳоланмоқда. Ҳусусан, Ислом Каримов халқаро коалиция террор машинасини ишдан чиқар-тганини таъкидлади. Толибонлар тор-мор қилингандан кейинги тадбир-ларни эса факат Бирлашган Миллатлар Ташкилоти химоясида амалга ошириш зарур.

Афғонистон мавзусини давом эттириб шуни айтиш керакки, халқаро террорчилар ва экстремистлар тайёрловчи базаларни йўн килиш на-факат террорчилар ва жаҳолат, балки бу ерда авж олиб бораётган нар-кобизнесдан халос бўлиши имконини беради. Чет эл оммавий ахборот воситаларининг хабар беришича, сўнгги йилларда афғонистонлик дех-конлар фақат таркибида гиёхвандлик моддаси бўлган кишлоқ ҳўжали-ги маҳсулотлари, биринчи навбатда кўкнори етишириши хисобига кун кўриб келишган. Толибонлар назоратидаги ерларда гиёхвандлик мод-далари етишириш мунтазам кўпайиб борган. Ҳусусан, 1996 йилда та-минан 2300 тонна кўкнори етиширилган бўлса, 1999 йилга келиб 4600 тонна ёки бутун дунё бўйича етишириладиган ушбу гиёхвандлик мод-дасининг 4/5 кисми тайёрланган.


Гиёхвандлик моддаларни Афғонистондан уч йўналишда олиб чиқи-лан. Фарбда – Эрон, Туркия орқали Фарбий Европа ва АҚШга, шимолда – марказий Осиёдан Россия, Кавказорти ва Украинага, жанубда – “каби-лалар ҳудуди” ва Покистонга чегарадош шимолий-ғарбий провинция орқали Карабига, у ердан денгиз ёки ҳаво йўли билан Европа, АҚШ, Жанубий Осиё, Яқин Шарқ ва Шимолий Африка мамлакатларига олиб кетилган.

Мутахассисларнинг фикрича, Афғонистонда ишлаб чиқарилган ге-роинни Европада 2,5 млн., Покистонда 3 млн., Эрон, Россия, АҚШ дав-латларининг ҳар бирида 1 млн. гиёхвандлик мубтало бўлган киши-лар истеъмол килади. Сўнгги йилларда Афғонистонда ишлаб чиқарилган геройн Хитой, Ҳиндистон ва Марказий Осиё мамлакатларида тобо-ра кўп истеъмол килинмоқда. Ҳар йили МДХ давлатларининг ўзида 20 мингга яки киши оғудан заҳарланиб ҳалок бўлади. Наркобизнес толи-бонларга катта даромад келтирад ва ана шу маблагга курол-аслаҳа ҳарид қилиниб, террорчилар тайёрланарди. Том маънода, толибонлар кўшни давлатлар, бутун дунёга қарши гиёхвандлик интервенциясини олиб борди.

Афғонистондаги антитеррористик операция янги босқичга ўтди. Ва ҳар куни у бутун дунё террорчилари ҳамда наркобизнесга қақшаткич зарба бермокда. Ушбу ёвузликни батамом йўқ килиш эса инсониятга моддий ва маънавий бойликлар яратиш, келажак авлод тақдирни учун ташвишланмай яшаш имконини беради.

## РЕСПУБЛИКАМИЗДА ЁНГИН ҲАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси  
ИИВ ёхимлари ёнгин  
ҳавфсизлиги ойлигига  
тарғибот-ташвиқот ишларига  
кенг ўрин беряптилар.  
Саноат корхоналари,  
ташкилотлар, муассасалар,  
маҳаллалар ва мактабларда  
учрашувлар  
уютирилмоқда.



### ҚЎРИК-ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ёнгин  
ҳавфсизлиги ойлигини юкори савиядаги ўтка-  
зиш, содир бўлиши мумкин бўлган ёнгинлар-  
нинг олдини олиш ва унинг кўнгилсиз оқибат-  
ларини бартараф этишда эришилган энг яхши  
ишлар учун қўрик-танлов эълон қиласди.

Республикамизда  
“Дикқат, пиёда!”  
тадбири  
утказилмоқда.



### РАМАЗОНИ ШАРИФ – ПОКЛАНИШ ОЙИ

Рамазон... Бу муборак ой барча мусулмонлар учун азиз ва муқад-  
дасdir. Зоро, ўн тўрт асрдан бўён башарият оламини хидоят йўлига  
даъват этиб келаётган Куръони карим ушбу ойда нозил бўлган. Ўзбеки-  
стон мусулмонлари идораси раисининг ўринbosари ҳожи Абдураз-  
зоз Юнус рамазон ойининг фазилатлари ҳақида  
мухбиримизга куйидагиларни гапириб берди.

► 16

### ЯНА “БУМБАСТИК”

“Байрам-видео”  
компаниясига  
томошабинлардан  
хатлар ёғилавергач,  
картина продюсери  
Абдураҳмон Давлатов  
фильмнинг учинчи  
сериясини суратга  
олишга қарор қиласди.

► 5

### ИЗЛАР ЙЎҚОЛМАЙДИ...

ёки Пискент туманида содир бўлган бир жиноят  
тафсилоти хусусида баъзи мулоҳазалар

► 4

**Tabassum + TV**

## БИЛИМ ВА ТАЖРИБА ҚҮЛ КЕЛАДИ

**1999 йил февраль соңа саларидан кейин бундай террористик ҳаракатларга қарши курашта жиғдий тайёрланиш зарураты туғилды. Америкалик мұтасислар үша пайтдағы мамлакатимиз ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига аник амалий ёрдамларини таклиф этишганды. Бу йұналишдаги ҳамкорлық хозирда ҳам давом этапты. Республика ИИВ Илмий экспертиза портлаш техникаси Марказий лабораториясы бошлиғи, милиция подполковники Т. Тұрагалов яқында АҚШда хизмат сафарида бўлиб кайти. Куйида унинг сафар таассуротлари билан танишасиз.**

— Илгари эришилган келишувга биноан ИИВ экспертер — криминалистика ва терров бўлинмалари, МХХ ҳамда республика Прокуратурасининг бир гурӯҳ ходимлари АҚШда маҳсус курсда ўқиши. Курсда портлаш оқибатлари ўрганилди. Машгулотларни тажрибали мутахассислар ўтиши. Ходимларимиздан уч киши, шу жумладан мен ҳам илгари шундай курсларни би-

тирганимиз ҳисобга олиниб, қисман инструктор сифатида ҳам иш олиб бордик.

Үқиш давомида террорчилар фойдаланадиган портловчи моддаларнинг турлари, таркиби, тузилиши, таъсир ҳусусиятлари, уларни йигиш, сақлаша каби кўплаб масалалар батафсил ўрганилди. Дастурда портлаш оқибатлари ўрганилди. Унда ҳамма нарса наزارда тутилган. Бундай шарт-шароитда ишлаш ҳам

лари, бинолар, автомашиналарни кўздан кечириш тартиби, портлаш юз берган жойдан олинган ашёвий далилларни криминалистик экспертиза қилиш ҳусусиятларини ўрганишга ҳам етарлича вақт ажратилди.

Сўнг олинган, назарий билимлар полигонда ўтказилган амалий машгулотлар чогида синаб кўрилди. Америкалик инструкторлар вазиятларни ҳақиқий ҳаётӣ вазиятларга имкон қадар яқинлаштиришга ҳаракат қилиши.

Уларнинг ўкув маркази базаси техник жиҳатдан юксак даражада жиҳозланганини таъкидлаш керак. Биргина кўчма портлаш техникаси лабораториясини олайлик. Унча катта бўлмаган бу автомобиль турли-туман асбоб-ускуналар, мосламалар билан таъминланган. Унда ҳамма нарса наزارда тутилган. Бундай

гаштели, ҳам самарали бўлади. Бизга ҳам ана шундай автомобиль ажратилса, айни мудда бўларди.

Курслар мұваффақиятли тутаган барча ходимларни мизга белгиланган намуна-даги сертификатлар берилди. Энди улар инструкторлар вазифасини бажара олишади. Ҳозир ИИВ илмий экспертиза портлаш техникаси Марказий лабораторияси биносини реконструкция қилиш қизғин кетяпти. Ишлар яқин орада якунлашади. Шундан сўнг мутахассисларимиз вилоятлардаги ҳамкасларимизга ўзларининг АҚШда ортигирган билим ва тажрибаларини ўргатишиларига имкон туғилади. Албатта, ваҳимага ўрин йўқ. Аммо биз терро-

ризм ва экстремизмнинг ҳар қандай хатти-ҳаракатига қарши курашиш усула-рини эгаллаган бўлишимиз зарур.

Ўз мухбиримиз.

Сиз Вазирлар Маҳкамасининг милиция профилактика хизмати фаолиятини ислоҳот қилиш борасидаги Қарорининг бажарилиши юзасидан бир қатор камчиликларга йўл кўйилганини таъкидлади. Шунингдек, жойларда профилактика инспекторлари учун тўлиқ шароит яратилмаётгани, ҳусусан, хизмат хоналарининг йўқлиги, бу ишга ви-

лоядаги кўпгина шаҳар ва туман ҳокимларни етарли эътибор бермаётганини танқид қилиб ўтди. Бу борада суратга олинган видеолавҳа йигилиш қатнашчилари эътиборига ҳавола этилди.

Ошкоралик руҳида ўтган мазкур йигилишида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари, милиция генерал-майори Б. Парпиев иштирок этилди.

С. АБДУВОҲИДОВ.

**“Дикқат, пиёда!”**

## УЮШКОҚЛИК БИЛАН ЎТМОҚДА

Пиёдаларнинг ушбу қоидаларга риоя этмасликлари автомобиль йўлларида кўнгилсиз ҳодисалар рўй беришга олиб келмоқда. Тадбир бошланганидан шу кунга қадар 1200 нафардан ортиқ пиёдалар томонидан йўл кўйилган қоидабузарлик аниқланди. Тегиши ташкилотларга тақдимномалар киритилди.

“Дикқат, пиёда!” тадбира кенг жамоатчиликни жалб этиш мақсадга мувофиқдир. Жойларда тартибот,

ташвиқот ишларига кенг ўрин берилган. Айниқса, таълим-тарбия мусассасалари болалар ўртасида йўл ҳаракати қоидалари бўйича тушунтириш, ишлари олиб бориляпти, амалий машгулотлар ўтиш учун маҳсус майдончалардан фойдаланияпти.

Амалий ишлар натижасида пиёдалар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисалари сони бирмунча камайди.

И. САЙДКАРИМОВ,  
милиция капитани.

## ПАЙХОННИНГ ОЛДИНИ ОЛАЙЛИК

Маълумки, юртимизда шу йил 10 ноябрдан 31 декабрга кадар “Дикқат, пиёда!” тадбiri ўтказилмоқда.

Бу мұхим тадбира Тошкент вилояти ИИБ йўл ҳаракати ҳавфисизлиги бошлиғи ходимлари ҳам фаол иштирок этмоқдалар.

Пиёдалар билан боғлиқ ҳолда содир бўлаётган йўл транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, қўпол қоидабузарликларга чек қўйиш учун серқатнов йўллар, чорраҳаларда назо-

рат кучайтирилди. Жойларда ҳаракатланиш иштирокчиларининг ҳавфисизлигини таъминлаш чоралари кўриялди.

“Йўл ҳаракати қоидалари” нафақат ҳайдовчилар, балки ҳаракатланишнинг бошка иштирокчилари учун ҳам таалукли эканлигини айрим йўловчи ёки пиёдалар унутиб қўймоқдалар.

Янгийўл тумани Ҳамроқул Турсунқулов номли жамоа ҳўжалигининг дала-сида Ў. Турғунбоевга тегиши 2 бosh қорамол экинларни пайҳон қилаётгани майлум бўлди. Туман суди орқали тегиши ҳора кўриши ушбу ҳудудга хизмат фўрасатувчи профилактика инспектори, милиция капитани Б. Аҳмедовга юкланди.

Жорий йилнинг ўтган 10 ойи мобайнида ходимларимиз томонидан жами 331 та қишлоқ ҳўжалик экинзорларини пайҳон қилиш ҳоллари аниқланниб, айбор фуқаролар ва мансабдор шахсларга нисбатан тегиши ҳоралар кўрилмоқ-

лар қонуний ҳора кўриши учун туман судига юборилди.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, пайҳон ҳолатларини аниқлаш ва тегиши ҳоралар кўришида жойлардаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига ҳам амалдаги қонун ва меъёрий ҳужжатлар асосида бир қатор вазифалар юкланди. Аммо улар томонидан бу борада олиб бориляётган ишлар ҳозирги кун талаблари даражасида ташкил этилмаяпти. Ризқ-рўзимиз бўлган ғаллани пайҳон бўлишидан асраш нафақат ҳуқуқ-тартибот идоралари, балки ҳар бир фуқаронинг бурчидир.

Ф. ИСЛОМОВ,  
милиция майори.  
Тошкент вилояти.

## Халқаро алоқалар

## ДОЛЗАРБ МАВЗУДА

**Тошкент шаҳар ИИБ “Маънавият ва маърифат” марказида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг навбатдаги семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Унда Бош бошқарма тергов бошқармаси ва шахсий таркиби, шу бошқарма қуий тизимлари раҳбарлари иштирок этишиди.**

Семинар-кенгаши шаҳар ИИБ Тергов бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари, милиция полковниги Зафар Фуломов бошқарди. Йигилишда асосий мақсад — Ўзбекистон Республикасининг “Жинон жазоларнинг либераллаштирилиши” муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурй жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгаришилар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонунининг ижросини таъминлаш чора-тадбирлари қаратилди.

Милиция полковниги З. Фуломов мазкур қонунга киритилган ўзгаришилар ва қўшимчалар ҳар бир ходим томонидан мукаммал ўрганиб чиқилиши зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Сўнгра Тошкент давлат юридик институтининг жиноят ҳуқуқи кафедраси доценти Баҳор Асроров сўз олиб, моддалардаги жазо турларининг ёнгиллаштирилган ҳалқаро меъёrlар дара-жасида эканлигини қайд этиди.

Семинар-кенгаши қонунга киритилган барча ўзгаришилар юзасидан иштирокчиларнинг савол-жавоб тарзида мулокотлари билан якунланди.

А. ДАВЛАТОВ.

## ХИВАДА СЕМИНАР-КЕНГАШ

**Хоразм вилояти ИИБда Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги Қўриқлаш бирлашмаси тизимидаги бошқарма, бўлим ва бўлинмаларда кадрлар билан ишлашни тақомиллаштириш масаласига бағишиланган семинар-кенгаши бўлиб ўтди.**

Унда вилоят ИИБ ҳузуридаги Қўриқлаш бўлими ШТБИХ ходимлари, бўлинмалар сардорлари, шаҳар ва туман ИИБ ҳузуридаги Қўриқлаш бўлими ва бўлинмаларининг раҳбарлари иштирок этишиди.

Тадбирни вилоят ИИБ ҳузуридаги Қўриқлаш бўлими бошлигининг ўринбосари, милиция подполковниги Ш. Отажонов очди ва айни кунда ишлар идораларида амала оширилаётган ислоҳотлар ҳусусида атрофича тўхталди. Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги Қўриқлаш бирлашмаси бўлим бошлиғи, милиция капитани Ф. Раҳматулаева сўзга чиқиб, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва улар билан ишлаш юзасидан мазмунли фикрлар билдири. Шунингдек, вилоят ИИБ ШТБИХ бошлигининг ўринбосари, милиция майори Б. Раҳимов, вилоят ИИБ ҳузуридаги Қўриқлаш бўлими бошлиғи, милиция подполковниги Х. Йўлдошев, Шовот тумани ИИБ ҳузуридаги Қўриқлаш бўлими бошлиғи, милиция капитани А. Тожиевлар хам сўзга чиқиб, кун тартибида қўйилган масала юзасидан гапидарлар. Семинар-кенгаши қатнашчилари Хива тумани ИИБ ҳузуридаги Қўриқлаш бўлимида олиб борилаётган ишлар билан танишиб тажриба алмашиди, тадбир сўнгидаги эса кўхна Хивада юзасидан мазмунли тарихий обидалари билан танишиди.

Х. ЖАББОРОВ.

## ИНСОНПАРВАРЛИК НАМОЙИШИ

“Жиноят жазоларнинг либераллаштирилиши” муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурй жавобгарлик тўғрисидаги кодекссига ўзгаришилар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонунинги қабул қилиниши суд-ҳуқуқ тизимида чуқур ислоҳотлар кечатганини яна бир бор тасдиқлади. Бу ислоҳотларнинг бош максади эса инсонпарварлик, шахс эркинлигини химоялашдир.

Андижонда шу ҳафтада бўлиб ўтган семинар янги Қонуннинг муноятига бағишиланди. Анжуманда суд, прокуратура ва ички ишлар ходимлари иштирок этишиди. Барча қатнашчилар ушбу ҳужжат инсонпарварликнинг жиноятини яна бир намойиши бўлганлигини таъкидлаб, жамиятимизнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлашини қайд этишиди.

О. ЙЎЛДОШЕВ,  
милиция подполковниги.

## ГИЁХВАНДЛИККА ЙЎЛ ЙЎҚ!

“Гиёхвандликка қарши курашиш – барчанинг иши”. Тошкент шаҳар Бектемир тумани ҳокимлигига ташкил этилган тадбир ана шундай шиор остида ўтди. Унда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг вакиллари, ҳусусан, туман прокурори Б. Абдусаломов, туман ИИБ бошлиғи, милиция полковниги Т. Раҳимовлар иштирок этишиди.

Йигилишда Тошкент шаҳар наркологик диспансери шифо-кори С. Комилова, туман “Соғлом авлод учун” жамғармасининг раиси И. Раҳимова, туман халқ таълими бўлнимининг мудири Ш. Шоахмедов ва туман бош имом-хатиби А. Абдуқодировлар сўзга чиқиб, кўрилаётган масала юзасидан фикр-мулоҳазалар билдиришиди.

Туман ИИБ бошлиғи Т. Раҳимов йигилганлар ўтиборини ёшлар ўтасида гиёхвандликнинг олдини олиш, гиёхвандлик моддаларининг ноқонунай айланиси билан боғлиқ жиноятларга қарши курашиш ва бундай ҳуқуқбузарликни содир этган шахсарларга нисбатан кўлланадиган жазо чораларига қаратди.

Ўз мухбиримиз.

## Республикамизда ёнгин хавфсизлиги ойлиги давом этмоқда

### ТАРГИБОТ АВТОБУСИ ҲАРАКАТДА

**Тошкент шаҳар ИИББ ёнгин хавфсизлиги ойлигидаги таргигбот-ташвишот ишларига кенг ўрин беряптилар. Саноат корхоналари, ташкилотлар, муассасалар, маҳаллалар ва мактабларда учрашувлар уюштирилмоқда.**

Ўтган ҳафтада Яккасарой тумани ҳокимлигига ўтказилган йигилишда Ўзбекистон Республикаси ИИВ ёнгин таргигбот автобусин учратиш мумкин. Ёнгин хавфсизлиги қоидаларини таргигбот этувчи плакатлар, қоидабузарликларнинг хунук оқибатлари тасвирланган суратлар, ўт ўчириш мосламалари ва бошқа зарурий кўргазмали куроллар билан жиҳозланган автобус шаҳарнинг гавжум гўшалари, майдонлар, боғлар, маҳаллалар гузарларида бўлиб, таргигбот ишларини олиб бормоқда.

**Ф. САДДУЛЛАЕВА,  
ички хизмат камта лейтенантни.**

### ХАР БИР ХОНАДОН НАЗОРАТДА

**Аҳоли орасида ёнгин хавфсизлиги қоидаларини таргигбот қилиш масадидаги маҳалла, ўкув юртлари, корхоналар, истироҳат боғларида 175 марта учрашувлар ўтказилди.**



Тошкент вилояти Ёнгин хавфсизлиги бошқармасининг таргигбот автобуси вилюятнинг қатор шаҳар ва туманларига чиқарилиб, йирик саноат корхоналари ва одамлар кўп йигиладиган жойларда учрашувлар ташкил этилаяти.

Ойликнинг ўтган 5 куни мобайнида вилоят ёнгин хавфсизлиги бошқармаси ва қуий тизими ходимлари томонидан 116 та корхона ва муассасалар ҳамда 7507 та хонадонларнинг ёнгинга қарши ҳолати текшириб чиқилиди.

Инсон ҳаётини ўт балосидан асрар ҳаммамиздинг ишимиздир. Бунинг учун хавфсизлик қоидаларига тўлиқ риоя қилиб, зарур чора-тадбирларни ўз вақтида кўриш, ёнгин хавфсизлиги ходимлари томонидан текшириш мобайнида аникланган барча камчиликларни вақтида бартараф этишимиз лозим.

**Р. СУЛЕЙМАНОВА,  
ички хизмат лейтенантни.**

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ ёнгин хавфсизлиги ойлигини юкори савияда ўтказиш, содир бўлиши мумкин бўлган ёнгинларнинг олдини олиш ва унинг кўнгилсиз оқибатларини бартараф этишида эришилган энг яхши ишлар учун кўрик-танлов эълон қилади.**

**Кўрик-танловда:**  
— намунали маҳалла, гузар ёки мавзе;  
— ҳалқ ҳўжалиги масканлари ва йирик ишлаб чиқарни корхоналари;  
— юкори кўрсаткичларга эришилган шаҳар, туманларнинг ўт ўчириш кисмлари, ёнгиннинг олдини олиш ҳаммалари аникланаб, мурофланади.

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ ёнгин хавфсизлиги ойлий техник мактабида**

Ушбу илмгоҳда курсантлари ва профессор-ўқитувчиларини кутлаш учун республика Ички ишлар вазирининг биринчи мувонини, милиция генерал-лейтенант Б. Матлюбов, Ички ишлар вазирининг мувонини,



ишлилар тайёрлаш, муносаб ўринбосарларни тарбиялаш вазифаси турганлигини таъкидлади.

Ёнгин хавфсизлиги ойлий техник мактаби бошлиги, полковник М. Собиров ўз табригидаги бунёдкорлик ишларидаги фоаллик кўрсатган ва ёрдам қўлини чўзган кишиларга самимий миннатдорчилик билдириди.


Шундан сўнг янги очилган ошхона биносида ўрнак кўрсатган қурувчиларга қимматбаҳо совғалар топширилди. Тантана концерт дастури билан якунланди.

Ушбу маросим янада бир күвончи воқеа билан ўйгунлашиб кеттанини айтиш зарур. Шу куни Ёнгин хавфсизлиги ойлий техник мактаби ўқитувчиси, ички хизмат подполковники А. Давтиян нафакатга кузатилди. Фахрийга қимматбаҳо совға топширилди ва Армен Гайкович келгусида бўлажак ўт ўчирувчилар тарбиясига ўз хиссасини қўшишига ишонч билдирилди.

**А. ГИМАЛОВ,**

ички хизмат капитани.  
**Суратларда:** тантана пайти; ошхона.

**Муаллиф олган суратлар.**



### СЕМИНАР-ТАҚДИМОТ ЎТКАЗИЛДИ

**Илмгоҳ томонидан "Евроосиё" жамғармаси дастури доирасидаги тадқиқот ва инновацион лойиҳаларни кўллаб-куватлаш агентлиги кўмагида "Патентшунослик" дарслиги ва шу йўналишдаги бошқа ўкув кўлланмалари яратилиши муносабати билан "Патентшунослик" фани бўйича янги ўкув курсини ташкил этиши" мавзууда семинар-тақдимот ўтказилди.**

Ушбу тадбирда назоратчи ташкилотлар олий ўкув юртлари ва пойтахтдаги техник билим юртларнинг илмий-тадқиқот бўлимлари, патент хизматларининг вакиллари, шунингдек, Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактаби раҳбарияти ҳамда ўқитувчilar жамоаси иштирок этиди.

Семинар-тақдимотда тадқиқот ва инновацион лойиҳаларни кўллаб-куватлаш Агентлиги директори, "Патентшунослик" дарслиги ва шу соҳага оид бошқа бир кўлланманинг муаллифи А. Жумахўжаев сўзга чиқиб, патентшунослик ин-

теллектуал мулкни ҳимоялаш ва ундан фойдаланишнинг ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий масалаларини ўрганишини таъкидлади.

Патентшуносликнинг ўкув режасидан ўрин олган бошқа дарсликлар билан ўзаро боғланиши хусусида Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактабининг кафедра бошлиги, доцент, ички хизмат подполковники А. Фаттоҳов гапирди.

Олий мактаб муаммолари институти директорининг мувонини К. Рўзиев янги авлод ўкув базасининг ранг-баранглиги, ўзига хос муаммолари, уларга хори-

жай сармояларни жал этиш имкониятлари хусусида тўхтади.



Шундан сўнг ТДТУ патент бўлими бошлиғи А. Шокомолов, Ёнгиндан муҳофаза қилиш олий техник билим юрти кафедра бошлиғи, доцент, ички хизмат полковники М. Усмоновлар кўрилаёттан масала юзасидан ўз мулоҳазалари билан ўртоқлашилар.

Семинар-тақдимотга

бўйича ўргата ташланган масалалар долларб эканлигини айтиб ўтди.

Семинар иштирокчиларига янги нашр этилган дарслик ва ўкув-услубий материаллар тарқатилди.

**Ўз мухбиримиз.**

**Суратда:** семинар-тақдимот пайти.

**Е.ЧИВЖИК олган сурат.**

### ДИҚҚАТ, КЎРИК-ТАНЛОВ!

Ҳаракатланишига тўсқинлик қиувлечи сунъий тўсқинларни ўз вақтида олиб ташлаган, мавжуд сув тармоқларини соз ҳолда саклаган, ўз ҳудудларидаги йўқолиб кетган сув ҳавзаларини қайта тиклашга эътибор берган бўлиши лозим.

Халқ ҳўжалиги масканлари ва ишлаб чиқарни корхоналарида эса тадбирни ўтказиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилган, ёнгин назорати ходимлари билан ҳамкорликда ишлашни яхши йўлга қўйган, ўт ўчириш машиналарининг тезда бартараф этиши

чоралари кўрилаётган ва сўнгги йилларда ёнгин хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ўзига хос ижобий ўзгаришлар бўлишига эришаётган, кўнгилли ўт ўчириш дружиналари ва ўт ўчириш техник комиссиялари тузилган, плакат, эслатма ва огоҳлантирувчи белгилар билан таъминланган, ёнгин хавфсизлиги бурчаклари ташкил этилган, мавжуд сув тармоқлари соз ҳолда сакланган, ички ўт ўчириш анжомлари билан тўлиқ таъминланган, шунингдек, етарли

нинг олдини олиш борасида кенг кўламда иш юритилари, аҳоли орасида тушунтириши ишларини олиб боришни намунали уюштиришлари, ойликни ўтказиш бўйича тузилган иш режасини тўлиқ бажаришлари талаб этилади.

Марҳамат, кўрик-танловда иштирок этиб, ўт имкониятларини синаб кўринг ва қимматбаҳо эсдалик совғаларимиз соҳиби бўлинг!

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ ёнгин хавфсизлиги бош бошқармаси.**

# ИЗЛАР ЙЎҚОЛМАЙДИ...

**ёки Пискент туманида содир бўлган бир жиноят  
тафсилоти хусусида баъзи мулоҳазалар**

**„Ха, дунёда инсон ҳаётига хавф солувчи ҳар  
кандай оғатнинг чораси топилар, эҳтимол. Аммо  
одамни одамлик қиёфасидан чиқаргувчи, уни жа-  
миятдан узуб кўйгувчи, энг ёмони, бошқаларни ҳам  
осонгина ўз домига тортиб кета олгувчи НАФС ба-  
лосига дучор бўлган кимсанинг бирор кор-холга  
йўлиқмай туриб тавба қилганини жуда кам кўрган-  
миз. Зоро, нафс кулига айланган одамнинг ўз-ўзи-  
дан бошқа душмани бўлмайди. У ҳамиша сабрға  
рақиб, жабрга дўст. Ҳидоятдан йирок, жиноята  
яқин. Агар шундай бўлмаганида шу йилнинг 5 ок-  
тябринда Пискент тумани Қирққизобод жамоа ҳўжа-  
лиги худудида рўй берган фожиали воқеа ҳам  
бошқачароқ якун топган бўларди.**

„Кирққизобод-Муротали-Бўка“ автомобиль йўли бўйлаб маҳсус йўлакдан Ўртаовул қишлоғи томон кетаётган Жасур Ҳасанов исмли 18 ёшли йигитни но- маълум транспорт воситаси уриб юборгани ва жинояти воқеа жойидан қочиб кеттани ҳақидаги хабар туманиччи ишлар ходимларини оёққа турғазди. Зудлик билан тезкор гурух воқеа жойига етиб борди. Аммо жинояти яшириниб ултурган, вазият анча мураккаб эди. Касалхона-нага ётқизилган Жасурнинг аҳволи эса тобора оғирлашиб борарди...

Ҳар бир ҳолатни синчилаб ўрганган тезкор гурух аъзолари тонг ёришай деганда калаванинг учини топди-

нинг аянчли ҳолати Ўртаовулнинг энг дийдаси қаттиқ одамини ҳам йиглатди. Аммо айни шу кўргуликка сабаб бўлган киши эса бу пайтда ишлар ходимларидан яшириниб, номаълум жойда пусиб ётган эди.

Тўғри, ўлим билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисалари гоҳ-гоҳида бўлса ҳам содир бўлиб туради. Аммо юқоридаги воқеа баҳтсиз ҳодиса эмас, балки бир инсон ҳаётига кўр-кўронга тажовуз қилиш билан баробар оғир жиноятди. Ҳўш, ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган, бу ёруғ дунёдан орзумидлари кўп бўлган ёшигина йигитнинг ҳаётига зомин бўлган киши аслида ким?

Минг таассуфлар бўлсинки, жинояти сифатида тумон қилинган ва яшириниб ётган жойидан ушлаб келинган М. И. эндини 25 ёшли қаршилаган йигит. Аммо билакка куч, бошга ақл тўладиган шу даврда у бозорилиги учун судланиб чиқишга ултурган. Ўтган ишдан хуласа чиқармай, ичклик билан ошно тутинди. Ота-она, яқинлари насиҳатидан кўра, ўзининг ўжар феъли-ю, бефойда амалларига кўпроқ таянди. Оқибатда маст ҳолда трактор башқариб, иккинчи марта жиноят содир этди.

Ўша куни, жиноят рўй берган пайтда соат кечкурун

21.00лар эди. Йўл қоидаси кўпоп равишда бузуб келаётган М. И. рўпарадан келаётган машина чироқларидан кўзи қамашиб, тракторни секинлаштириш ёки тўхтатиш ўрнига, рулни йўл четидаги йўлак томон буриб юборди. Ҳудди шу вақт у йўлакда бораётган одамни уриб юборганини билса ҳам, жабрланувчининг қаттиқ жароҳат олганини сезса ҳам бирров тўхтани ўзига эп билмади. „Мен қылганимни бирор билиб ўтирибдими, қоронги-ку“ деган ўйда жуфтакни ростлаб қолди.

Аммо бизни таажужуга соглан нарса бошқа: Йўл ва-рақасиз, тегиши рухсатномага эга бўлмаган, маст ҳолдаги М. И. га ким тракторни ишониб топшириб кўйди? У меҳнат қилаётган Навоий номли ширкат ҳўжалиги раиси Мирзаали Халилов, ҳўжалик мұҳандиси Дилмурод Аширматов, трактор парки механизми Ҳайдар Шарипов ўзларининг лоқайдлиги туфайли жиноятта бевосита-сабабчи бўлганликларини билармикнлар? Ёки чекка бир ҳўжаликда техника қоидаси бузилса осмон узилиб ерга тушмас, қабилида иш кўришдан сираян чўчишмасмикин? Ҳар ҳолда, кўзга кунда эмас, кунида синади, деган нақл бекорга айтилмаган.

Албатта, ҳеч бир ота-она, болам жинояти бўлсан, юзимни ерга қаратсан, деб ният қилмайди. Ҳасановлар хонадонида Жасурбекка аза очилган куни М. И.нинг қариндош-уруглари ҳам унсизигина оҳ чекишиди.

Жасурбек уч кундан кейин ҳарбий хизматта кетиши керак эди. Энди йигитлик бурчи, Ватан ҳимояси, бир гўзал ёр висоли қиёматга қолди...

Вақт ҳар қандай ғамаламга даво бўла олади. Жинояти учун қамалган киши ҳам вақт-соати етганда озодликка чиқиши шубҳасиз. Аммо қалб қийноғидан, виждан азобидан кутулмоғнинг имкони бўлармикан?!

Албатта, ҳар қандай қўнгилсиз воқеанинг замира турли-ижтимоий-маънавий сабаблар ётади. Бироқ йигитлик шаънини пок сақлаш, орият ва ғуруни ҳар нарсадан устун кўйиш, жиноятичлики ва ахлоқсизликнинг ҳар қандай қўринишилари қарши курашиб ҳар бир шахснинг маънавий бурчига айланмас экан, ташқаридан сабаб-баҳона ахтаришдан ҳеч бир маъно йўқ. Содир этилаётган қатор жиноятларнинг туб моҳиятида ҳам маънавий-ҳукукий билимсизлик ётгани ачинари ҳолди.

Тўғри, М. И. билан боғлиқ жиноят бизнинг ушбу фикрларимизга сабаб бўлган ягона ҳолат эмас. Аммо ушбу мисол инсоний бурч, фуқаролик масъулияти, ҳукукий мажбуриятлар ҳақида сиз, азиз газетхонлар билан сұхбатлашиб олишга жиҳдий турткни бўлди. Яхши биласиз, ўзбек халқи азал-азалдан куч-

ли меҳр-оқибати, бир-бирини асраб-авайлаши билан бошқа халқлардан фарқ қилиб келган. Ёрдамга муҳтоҷ бўлган, бошига бирор кулфат тушган киши ёнидан бефарқ ўтиб кетиши бу халқ учун мутлақо бегона фазилат. Юқоридаги каби салбий воқеаларнинг олдини олиши бизнинг бир-биримизга нисбатан адолатли муносабатимиз, миллий тарбиямиз, ғамхўрлигимиз муҳим аҳамият касб этида. Шундай эмасми?!

Шубҳасиз, юқорида баён қилинган жинояти иши яқин кунларда охирига етказида. Жинояти суд олдидан қилмишига яраша жазосини олади. Бироқ, жойлардаги фуқаролар йигинлари фаоллари, маҳалла қўмиталари, ёшлар ҳаракати вакиллари шу аснода ўз олдиларидағи вазифаларини яна бир карда назардан ўтказиб олсалар ёмон бўлмасди. Айниқса, милициянинг жойлардаги бўлинмалари, маҳалла по-сбонлари аҳоли ўртасида профилактик ишларни яна да кучайтиришлари шарт. Мактаблар, коллеж ва бошқа ўқув даргоҳларидаги ёшларнинг тақдирни бир нағас ҳам эътибордан қолмаслиги керак. Ота-оналарнинг бу борадаги ҳушёрлиги эса сув билан ҳаводай зарур. Чунки ҳамма нарсанинг асоси назорат ва тарбиядан иборат! Абдулла Авлоний айтганидек: „Тарбия бизлар учун ё ҳаёт – ё мамот, ё најот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат“ масаласидир!

**И. ҲОТАМОВ,  
Тошкент вилояти,  
Пискент тумани  
ИИБ бошлиги,  
милиция подполковники.**



Хоразм вилояти ИИБ ҳукукбузарликларнинг олдини олиш бошқармаси ходимлари ўтказилётган барча тадбирларда фоал иштирок этиб, кўзланган натижаларга эришишмоқда.

**Суратда:** ушбу бошқарма профилактика қатта инспектори, милиция капитани Марат Худойберганов милиция капитанлари Ўринбай Ҳамроев ҳамда Сапармат Сайдуллаевлар билан навбатдаги вазифалар юзасидан сұхбатлашмоқда.

**Ж. ҚОЗОҚ олган сурат.**

## ЮЗИ ЧИДАМАДИ, ЧОФИ

**Одатда тундаги автоҳалокатларнинг айборларини топиш, сабабларини очиши жуда қийин бўлади. Агар ҳайдовчи воқеа жойидан қочиб кетса, уни аниқлашга анча вақт ва куч сарфланади. Аммо жамоатчиликка таянилган жойда „Кўпдан куён қочиб кутуломайди“ деганларидек, тундаги қоидабузарликларни ҳам ўз вактида очса бўлади.**

– Мен бунга ўз иш фолиятимда иқор бўлиб келмоқдаман, – дейди Риштон тумани ИИБ бўлинма бошлиғи, милиция капитани Убайдулло Холмирзаев. – Шу йилнинг 11 октябр куни соат 21.45 лар чамаси Марғилон – Ўқчи йўлининг 34-километрида аҳоли манзилидан ташқаридан автоҳалокат рўй берди. Велосипедда келаётган одамни номаълум автомашина уриб кетибди. Жабрланувчи қаровсиз, ёрдамга муҳтоҷ ҳолда қолган, ҳайдовчи эса ёрдам кўрсатиш ўрнига жуфтакни ростлаган.

Меҳмонлар бир эмас, уч кун қолиб кетишиди. Қуюқ зиёфатни ташлаб кетгилари келмасди. Ниҳоят, иккени ёрилиб, йўқлаб келишгани сабабини айтишади.

– Ишлаган кам бўлмайди, – деди Карим. – Илгари тўртга товуқ боқишини орзу қилардим. Ҳозир қорамолларнинг ўзи ўндан ортади, кўй, товуқ, куркалар эллик тадан қўйиб. Ҳаммаси фермерлик орқасидан. Лекин ишларни ҳам билиш керак экан. Атрофимдаги айрим ерларга ачинаман. Номига фермер бўлиб олиб, ернинг умрини ўтказиётганлар ҳам бор.

Каримнинг „маърузаси“ иккогина яшовчи танишлари кучоқ очиб кутиб олди. Қулоқ зиёфат уюштириди. – Э, дўстим, юрамизми чўл кезиб, тайёр ўлжа бор экан-ку, – деди Кабир қўшни томонга ишора қилиб.

– Мен раҳбарлар билан

ҳамда бевосита иши ўйлаб билан боғлиқ одамлар, ҳатто мол-кўй бокувчи болалардан ҳам шу рангли „Нексия“ автомашинасини воқеа содир бўлган куни кўрган-кўрмаганлиги суроштирилди.

Қарангки, бу иш яхши самара берди. Улардан бири автомашина эгаси қачон ошхоналардан бирида тўхтаб, овқатланиб кетганини ва ҳатто машинанинг давлат рақамини ҳам айтди. Ўша ҳайдовчини топганимизда, у автомашинани яшириб кўйга экан.

Лекин ёлғон сўзлашга юзи чидамади чоғи, бўлган воқеани гапириб берди.

**М. КИМСАНБЕОВ.**

## ИЗЗАТИНИ БИЛМАГАН ЭСИНИ ЕЙДИ

– Эгаси йўқмикан? – деди Йўлғар.

– Гарчи улар қилмишларини мастилик оқибатида қилибмиз, дея баҳона қилмоқчи бўлсалар-да, аввал бошдан ўтрилик қилиш ниятиларни билиб олдим. Дўстлик туманига келишдан иккита мақсадлари бўлган. Биринчиси, дўстни йўқлаш, иккинчиси бирор нарсанни олиб кетиши. Айнан Каримнинг ўйидан олсалар билиниб қоларди, шунинг учун кўшнисининг қўйларини олиб кетишган.

Оқибат юзасидан дўстни йўқлаб келиш жуда савоб иш, бироқ қўли эгрилик қилганлиги-чи? Ҳар иккенига туман суди тегиши жазо тайинлади.

**С. ШАМСИДДИНОВ,** Жizzax вилояти

## ИЗЗАТИНИ БИЛМАГАН ЭСИНИ ЕЙДИ

Меҳмонлар бир эмас, уч кун қолиб кетишиди. Қуюқ зиёфатни ташлаб кетгилари келмасди. Ниҳоят, иккени ёрилиб, йўқлаб келишгани сабабини айтишади.

– Эртасига далани кўргани бордилар. Иссик кунда дала ни айланиб кўрганларидан кейин уйга қайтишиди. Карим зарур иш билан туман марказига кетди. Иккени ўтириб яна ҳасрат китобини очиши.

– Далада ишлаб биримиз иккени бўлишига кўзим етмайти, – деди Йўлғар сўрида ёнбошлаб ётаркан.

Шу пайт қўшни ҳовлидан қўйларнинг маъраши эшилди.

– Э, дўстим, юрамизми чўл кезиб, тайёр ўлжа бор экан-ку, – деди Кабир қўшни томонга ишора қилиб.

– Бу шумқадам меҳмонлар далилий ашё билан ушлаб келингандан кейин терговни мен олиб бордим,

# Tabassum +TV

Посеша gazetasining ilovasi

HAFTALIK



DASTURLAR

ТАНИҚЛЫ КИШИЛАР

БИЛАН УЧРАШУВ,

ХИКОЯ, ХАЖВИЯ, ХАНДАЛАР,

СКАНВОРД, КРОССВОРД,

МУНАЖЖИМАР БАШОРАТИ,

ИНТЕРНЕТ ХАБАРЛАРИ

**"Бумбастик" фильмі республикамыздаги қарийб  
барча кинотеатрларда намойиш этилиб, бу саргузашт  
комедия ижодкорларига улкан мұваффакиетті  
келтирди!**

**"Байрам-видео" компаниясига томошабинлар-  
дан хатлар ёғилавергач, картина продюсері Абдурахмон Давлатов фильмнинг учинчи сериясini  
суратга олишга қарор қилды.**

## ОЛДИНГИ СЕРИЯЛАРДАН...

Ўзбекистон эстрада санъати бўйича боз мукофот –

билан танишиб қолишиади. Малика уларга катта суммага чек ёзиб беради. Натижада гурӯҳ аъзолари ўйга қайтгач ўзларининг фазовий (космик) шоусини ташкил қиласидилар.



"Бумбастик" гурӯҳи.

Сиамга иккى ҳафталик саёҳат йўлланмаси учун танлов эълон қилинади. Асосий дъявогарлар "Бумбастик" гурӯҳи ва суворакларга қарши дихлофос ишлаб чикувчи компания президенти Обид Обидович қаноти остидаги қўшикчи Гулистар. Обид Обидович мазкур фестивалнинг боз хомийиси. У жури аъзоларни сотиб олса ҳам, мағлубиятга учрайди. Шундан сўнг Сиамга шахсан ўзи бориб, "Бўстон" гурӯхидан ўз олишга қасам ичади, аммо бу осон кечмайди. Иккى шўх-шаддод қиз – Жамила ва Юля Сиамда Обиднинг ҳаётини дўзахга айлантиришади. У ерда гурӯҳ аъзолари малика Тао

Аммо Обид ва Гулистарнинг ҳийла-найранглари, тарқатган мишишлари ўз ишини қиласи – машҳур "Бўстон" гурӯхи тарқаб кетади. Гурӯҳ етакчиси Борис Давлатов тогларга боз олиб кетади, як-хонолар Жамила ва Юля эса ўзларига янги иш қидиришади.

Обид Обидович ва унинг эркатои тантана қиласи. Аммо вақтинча, чунки ҳамиша кишиларга ҳақиқат ва адолат ғалабасига ишонч ҳар қандай қийин, мураккаб ҳаётий вазиятларда ўзларини кўлга олиш, қадларини ростлашларига ёрдам беради. Шундай қилиб "Бўстон" яна саҳнага кайтади, ғаламислар

## "Юлдузлар" шу ерда туғилади

**Музыка қалбларга йўл топиб, кайфиятимизга  
кучли таъсир қилишга, дунёкарашимизни ўзгартиришга  
кодир. Шундай экан, унинг ёрдамида ёш авлодни тарбиялаш мумкин.**




Мана, ўн йилдирки Рустам Ҳамроқулов раҳбарлитетидаги "Оловиддин" эстрада студияси ёшлар билан ишлайди. Ўтган давр мобайнинда студия ўзбек эстрадасининг бир неча юлдузини етишитириб берди. Улар орасида ёшлар ўргасида машҳур Жасур Мирсоатов ва "Аъло" гурӯҳи ҳам бор. Машҳурликка эришганларига, саҳнада ўзларини ишонч билан тута олишларига қарамай улар ҳали ҳам студияга келиб, устозлари Л. Упоровдан вокал бўйича сабоқ оладилар. Айтганча, Людмила Александровна "Оловиддин" студиясида вокал бўйича ягона педагогдир. "Сюрприз", "Ру-

чейки" ("Ирмоқдар"), "Оловиддин" ва "Капельки" ("Томчилар") каби гурӯхлар унинг раҳбарлигидаги ўз маҳоратларини ошириптилар. Сўнгги гурӯҳ мактабгача ёшдаги болакайлардан таркиб топган. Шунга қарамай улар "Юлдузча" танлови голиби бўлиши.

Студия раҳбари Рустам Ҳамроқулов ўз шогирларига хореография ва саҳна ҳаракати сирларини ҳам ўргатиб келади. Бу бежиз эмас. Чунки чинакам "юлдузлар" нафақат маҳорат билан куйлаши, балки ўзини саҳнада тутиши, хатти-ҳаракати билан муҳлисларини мафтун қўла билishi лозим.

шний ҳайвонлар, балки Обид Обидовичнинг ҳийла-найрангларидан ҳам қутулиб қолишиди.

комедиясини томошабинлар келаси йил март ойидаги "Наврӯз" арафасида кўришлари мумкин.



